ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ

НАУКА И ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ

SCIENCE AND INNOVATIVE DEVELOPMENT

4 / 2021

ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

2021 / 4

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ

Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан фойдаланилганда "Илм-фан ва инновацион ривожланиш" илмий журналидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган. Мақолада келтирилган далиллар ва маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Журналнинг электрон шаклида жойлаштирилган барча материаллар нашр қилинган ҳисобланади ва муаллифлик ҳуқуқи объекти саналади.

Директор:
М.Б. Турсунов

Бош муҳаррир:
Ҳ.Р. Салоева

Муҳаррирлар:
Ф.М. Муҳаммадиева
Е.А. Ярмолик
М. Камалова

Таҳририят манзили:
100174, Тошкент ш.,
Университет кўчаси, 7-уй.
Телефонлар: (99899) 373-90-35,
(99899) 920-90-35
Веб-сайт: www.indep.uz
E-mail: ilm.fan@inbox.ru
Обуна индекси – 1318
ISSN 2181-9637

Муассис:
"Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи" давлат унитар корхонаси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Таҳрир кенгаши раиси:
Абдураҳмонов Иброҳим Юлчиевич
б.ф.д., проф., академик

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Салимов Оқил Умурзоқович, *т.ф.д., проф., академик*
Юлдашев Бегзод Садикович, *ф.-м.ф.д., проф., академик*
Маджидов Иномжон Урушевич, *т.ф.д., проф.*
Турдикулова Шахлохон Ўткуровна, *б.ф.д., проф.*
Пармон Валентин Николаевич, *д.х.н., проф.,*
Россия Фанлар академиясининг Сибирь филиали раиси
Мурзин Дмитрий Юрьевич, *д.х.н., проф.,*
Або Академияси университети (Финляндия)
Абдураҳмонов Қаландар, *и.ф.д., проф., академик*
Арипов Тахир Фатихович, *к.ф.д., проф., академик*
Матчанов Рафик, *т.ф.д., проф., академик*
Саидов Акмал Холматович, *ю.ф.д., проф., академик*
Шарипов Хасан Туропович, *к.ф.д., проф., академик*
Собиров Равшан Зойирович, *б.ф.д., проф., академик*
Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, *б.ф.д., проф., академик*
Азамат Зиё, *т.ф.д., проф.*
Далиев Хожиакбар, *ф.-м.ф.д., проф.*
Бўриев Забардаст Тожибоевич, *б.ф.д., проф.*
Муҳамедиев Мухторхон, *к.ф.д., проф.*
Мавлянова Шахноза Закировна, *тиб.ф.д., проф.*
Мажидова Ёқутхон Набиевна, *тиб.ф.д., проф.*
Беркинов Бозорбой Беркинович, *и.ф.д., проф.*
Рахимова Нигина Хайруллаевна, *и.ф.д., проф.*
Арабов Нурали Уралович, *и.ф.д., проф.*
Холмўминов Шайзоқ Рахматович, *и.ф.д., проф.*
Каримов Нарбой Ғаниевич, *и.ф.д., проф.*
Меҳмонов Султонали, *и.ф.д., проф.*
Хамедов Иса Ахлеманович, *ю.ф.д., проф.*
Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович, *ю.ф.д., проф.*
Отажонов Аброр Анварович, *ю.ф.д., проф.*
Сагдуллаев Шомансур Шохсаидович, *тех.ф.д., проф.*
Тошболтаев Муҳаммад Тожиалиевич, *тех.ф.д., проф.*
Хамидов Муҳаммадхон, *қ.-х.ф.д., проф.*
Хакимова Мухаббат Файзиевна, *п.ф.д., проф.*
Сайфуллаева Раъно, *ф.ф.д., проф.*
Карабаев Маматхан Садирович, *г.-м.ф.д., проф.*
Анарбоев Абдулхамиджон, *т.ф.д.*
Ашуров Хатам Бахранович, *т.ф.д.*
Раҳмонов Зафарбек Яшинович, *и.ф.ф.д. (PhD)*

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

6 **RAJABOV A. X.**
Assessment of the level of sustainable socio-economic development of countries in the conditions of transition to an innovative development model

18 **ТОЖИБОЕВА Д.**
Институционал муҳит яратиш – илмий фаолият, инновацияга мотивацияни кучайтиришнинг асоси

30 **НУРДИНОВА Ш. Р.**
Ўзбекистонда бахтиёрлик ва ҳаётдан қониқиш

39 **УРАЗОВ К. Б.**
АБДУРАСУЛОВ Ж. А.
Корхоналарни қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришнинг асосий қоидалари

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ

48 **РАХИМБАЕВА Г. С.**
РАХИМБЕРДИЕВ Ш. Р.
Зависимость когнитивных функций пациентов с гипотиреозом от функционального состояния щитовидной железы и длительности заболевания

КИМЁ ФАНЛАРИ

58 **САРЫМСАКОВ А. А.**
ЮНУСОВ Х. Э.
ЖАЛИЛОВ Ж. З.
РАШИДОВА С. Ш.
Разработка технологии производства бактерицидных имплант-пленок натрий-карбоксиметилцеллюлозы, содержащих наночастицы серебра

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

71 **РАХМАТУЛЛАЕВ И. А.**
ТУРСУНКУЛОВ О. М.
НАЗАРОВ Х. Т.
ДАВРОНОВ М. Х.
КУРБОНОВ А. К.
ТУКФАТУЛЛИН О. Ф.
РАХМАТУЛЛАЕВ М. Р.
Исследование морфологии поверхности и структурных свойств микропорошков диоксида титана

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ

83 **ИКРАМОВА М. Л.**
РАХМАТОВ Б. Н.
АТОЕВА Р. О.
Влияние доз препарата «Зерокс» на качество волокна и урожайность хлопчатника на различных сроках вегетации и при различной густоте стояния растений

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

93 **СУЛАЙМОНОВ Ш. А.**
Пиллакашлик саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларида кимёвий препаратларнинг ўрни

102 **ТЕШАБАЕВ З. А.**
ДЖАЛАЛОВА Ш. Б.
ГУЛОМОВ Ш. Т.
НАСУЛЛАЕВ Х. А.
ЭРГАШЕВ М. М.
РАХИМЖОНОВ Б. Б.
Исследование изменений концентрации примесных металлов в составе полупродуктов переработки “усредненной” нефти

112 **ИРГАШЕВ А. И.**
ИРГАШЕВ Б. А.
Зависимость шероховатости зубьев шестерен от параметров зубчатого зацепления

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

МЕТОДИК КАБИНЕТ

123 **AZAMOV T. N.**
RAZHABOV N. A.
SULTONOV YU. R.
Relevance of the creation of the national index of citation of scientific articles in Uzbekistan

131 **САЛОЕВА Х. Р.**

УДК: 336.74(571.1)

КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Уразов Комил Бахрамович
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси и.ф.д., профессори,
ORCID: 0000-0003-1630-8694

Абдурасулов Жамшидбек Ахмад ўғли
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси магистранти,
jamshidbek.abdurasulov@mail.ru

Аннотация. *Корхоналар, маълумки, ҳар қандай кишилик жамияти иқтисодиётининг асосий бўғини, мос равишда, бошқарув воситаси бўлган бухгалтерия ҳисобининг муҳим субъектлари бўлиб ҳисобланади. Корхоналар орқали моддий ва номоддий неъматлар яратилади, турли ишлар бажарилади, хизматлар кўрсатилади ҳамда улар истеъмолчиларга етказиб берилади. Корхоналар сонини кўпайтириш, уларни бирлаштириш, йириклаштириш, ҳамкорликдаги фаолият турларини ривожлантириш мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш, одамлар ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақолада корхоналарни қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришнинг асосий қоидалари республикамизда амалда бўлган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, чунончи миллий стандартлар асосида очиб берилган. Республикамиз иқтисодиётининг бош бўғини, мос равишда, бухгалтерия ҳисобининг асосий субъектлари бўлган корхоналарни қайта ташкил қилиш шаклларининг моҳияти, хусусиятлари ва уларни амалга ошириш тартиблари очиб берилган. Шунингдек, мақолада корхоналарни қайта ташкил этиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришга қўйиладиган умумий талаблар кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар: *корхона, қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, ажратиш, ажратиб чиқариш, тан олиш, баҳолаш, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот.*

ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ УЧЕТА И ФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ В КОНТЕКСТЕ РЕОРГАНИЗАЦИИ ПРЕДПРИЯТИЙ

Уразов Комил Бахрамович,
DSc, профессор кафедры
«Бухгалтерский учет и аудит»,

Абдурасулов Жамшидбек Ахмад угли,
магистр

Аннотация. *Как известно, предприятия являются важными субъектами бухгалтерского учета, который в свою очередь является главным звеном экономики любого отдельного общества как средство управления. Через предприятия создаются материальные и нематериальные блага, выполняются различные работы, оказываются услуги потребителям. Увеличение количества предприятий, их слияние, расширение, развитие совместной деятельности – один из важных факторов увеличения благосостояния страны, занятости, доходов и уровня жизни населения. В данной статье раскрываются основные правила бухгалтерского учета и финансовой отчетности в контексте реорганизации предприятий на основе действующих нормативных правовых актов, в том числе национальных стандартов. Раскрыты сущность, особенности и порядок реорганизации предприятий, являющихся основными субъектами бухгалтерского учета, главным звеном экономики республики. В статье также изложены общие требования к бухгалтерскому учету и финансовой отчетности в условиях реорганизации предприятий.*

Ключевые слова: *предприятие, реорганизация, слияние, выделение, признание, оценка, бухгалтерский учет, финансовая отчетность.*

BASIC PRINCIPLES OF ACCOUNTING AND FORMATION OF FINANCIAL STATEMENTS IN THE CONTEXT OF REORGANIZATION OF ENTERPRISES

Urazov Komil Baxramovich
DSc, professor, Professor Samarkand Institute of Economics and Service,
Department of Accounting and Audit

Abdurasulov Jamshidbek Axmad ug'li
Master of Samarkand institute of economic and service,
Department of Accounting and

Abstract. *Enterprises are known to be important subjects of accounting, which is the main link in the economy of any individual society, respectively, as a means of management. Through enterprises, tangible and intangible goods are created, various works are performed, services are provided and they are delivered to consumers. Increasing the number of enterprises, their merger, expansion, development of joint activities is one of the important factors in increasing the country's GDP, employment and income, improving living standards and welfare. This article reveals the basic rules of accounting and financial reporting in the context of reorganization of enterprises on the basis of existing laws and regulations in the country, including national standards. The essence, features and procedures of reorganization of the enterprises, which are the main subjects of accounting, the main link of the economy of the republic, respectively, are revealed. The article also outlines the general requirements for accounting and financial reporting in the context of reorganization of enterprises.*

Key words: *enterprise, reorganization, addition, addition, separation, separation, recognition, valuation, accounting, financial reporting.*

КИРИШ. Бозор муносабатларига асосланган инновацион ва рақамли иқтисодиётга эришиш уни негизини ташкил қилувчи корхоналарни ташкилий мақоми, мулкий ҳолати, имкониятлари, бошқарув тизими ва бошқа жиҳатлари бўйича энг замонавий бизнес бирликлари сирасига олиб чиқиш талабини қўймоқда. Бу, ўз навбатида, замон талаблари асосида корхоналарни қайта ташкил этишни, уларнинг жаҳон бизнес стандартларига фаол трансформация жараёнларини амалга оширишни тақоза этмоқда.

Ушбу муҳим жараёнларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш, улар тўғрисида ахборотларни инвесторлар, мулк эгалари ва давлат органларига тўғри ва ўз вақтида етказиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда.

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ: Корхоналарни қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантириш маълум тартиб-қоидаларга амал қилишни тақоза этади. Бундай тартиб қоидалар ҳар бир давлатнинг тегишли қонунлари ва қонуности ҳужжатларида, шунингдек қўлланилиши тан олинган ҳалқаро стандартларда белгиланган. Чунончи, корхоналарни қайта ташкил этиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантириш масалалари бизнинг республикамизда махсус 23- сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»да [1], шунингдек бошқа стандартлар, қоидалар ва тартибларда ўз аксини топган. Қуйида республикамизда амалда бўлган 23-сон ва бошқа миллий стандартларига асосланган ҳолда корхоналарни қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришнинг асосий қоидалари ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш механизмларига тўхталамиз.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР: 23-сон БҲМСга мувофиқ (9-банд) қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида молиявий ҳисоботни шакллантириш қуйидагиларга асосланади:

а) муассислар ёки тегишли органларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари;

б) қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари;

в) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш ва ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўзгартириш тўғрисидаги шартномалар;

г) топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси;

д) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, рўйхатга олувчи орган: қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қайта ташкил этишда янги вужудга келган корхоналар ҳақидаги ёзувни; қўшиб олиш шаклидаги қайта ташкил этишда қўшиб олинган корхоналарнинг охиргиси фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзувни Реестрга киритганини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар.

Муассислар қарори (шартномаси)га биноан топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси қуйидаги иловаларни ўз ичига олади:

а) қайта ташкил этилаётган корхона активлари ва мажбуриятлари таркиби, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда активлар ва мажбуриятларни топширишни расмийлаштириш санасидан олдинги охирги ҳисобот санасига бўлган уларнинг баҳоси акс эттирилган, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунида [2]назарда тутилган таркибда молиявий ҳисобот;

б) топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансини тузиш олдидан Ўзбекистон Республикасининг 19-сон БҲМС “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш”га [3] мувофиқ ўтказилган ва уларнинг тўғрилигини (активлар ва мажбуриятларнинг мавжудлиги, ҳолати ва баҳосини) тасдиқловчи, қайта ташкил этилаётган корхонанинг активлари ва мажбуриятларини инвентаризация қилиш далолатномалари (хатлаш ҳужжатлари);

в) моддий ва номоддий активлар бўйича бошланғич ҳужжатлар (асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралар ва бошқаларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари (юкхатлари)), корхоналарни қайта ташкил этишда қабул қилиниши-топширилиши лозим бўлган бошқа активларнинг рўйхатлари (хатлаш ҳужжатлари);

г) қайта ташкил этилаётган корхоналар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб мол-мулки ва тегишли шартномалар ва контрактлар бўйича мажбуриятлари, тегишли бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқалар билан ҳисоб-китоблар ҳуқуқий

ворисга ўтганлиги ҳақида уларнинг кредиторлари ва дебиторларига белгиланган муддатда ёзма равишда хабардор этганлиги тўғрисидаги ахборот кўрсатилган кредиторлик ва дебиторлик қарзлари расшифровкаси (уларни хатлаш ҳужжатлари) ва бошқалар.

Топшириш далолатномаси ва тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган корхонанинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар низолашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Топшириш далолатномаси ва тақсимлаш баланси юридик шахс муассислари (иштирокчилари) томонидан ёки юридик шахсларни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади ҳамда таъсис ҳужжатлари билан бирга янги вужудга келган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки мавжуд корхоналарнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш учун тақдим этилади.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансини белгиланган тартибда тасдиқлаш санаси муассислар ёки қайта ташкил этиш ҳақидаги қарорни қабул қилган орган томонидан муассисларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги шартномаси (қарори) да назарда тутилган қайта ташкил этишни амалга ошириш муддати доирасида, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур тамоиллар (қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақида кредиторлар, акциядорлар ва иштирокчиларни хабардор этиш, уларнинг мажбуриятларни тугатиш ёки муддатидан илгари бажариш ва зарарларни қоплаш ҳақида талаблар қўйиши, активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш ва бошқалар)дан келиб чиқиб белгиланади.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансини тузишни ҳисобот даври (йили)нинг охирига ёки қайта ташкил этилаётган корхонанинг берилаётган активлари ва мажбуриятларини тавсифлаш ва баҳолаш учун асос бўлган оралиқ (чораклик) молиявий ҳисобот тузиш санасига мўлжаллаш тавсия этилади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИ. Корхоналарни қайта ташкил этишда топширилувчи (қабул қилинувчи) активлар ва мажбуриятларни баҳолаш муассисларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартнома)да белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳар бир тури учун активларнинг бошқа турлари учун қўлланадиган баҳолаш усулларидан фарқли алоҳида баҳолаш усули белгиланиши мумкин.

23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»га мувофиқ юридик шахсни қайта ташкил этишда топшириладиган активлар қуйидаги қийматлар бўйича баҳоланиши мумкин (жадвалга қаранг).

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансида акс эттирилган активлар қиймати топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига иловалар (хатлаш ҳужжатлари, расшифровкалар)да келтирилган маълумотлар билан тегишли қиймат баҳосида мос келиши лозим.

Муассислар қарори (шартномаси)га мувофиқ қайта ташкил этишда топширилувчи мол-мулкни жорий бозор баҳоси бўйича баҳолаш қайта ташкил этилаётган корхона томонидан топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансини тузиш чоғида амалга оширилиши мумкин.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансида қайта ташкил этилаётган корхона мажбуриятларининг баҳоси кредиторлик қарзи инвентаризация натижаларига кўра бухгалтерия ҳисоби счётларида ифодаланган суммада акс эттирилади, бунда корхона қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ кредиторларга қопланиши керак бўлган зарарлар суммаси ҳисобга олиниши лозим.

Акциядорлик жамиятларининг корхоналар устав капиталидаги акциядорларнинг талабига биноан сотиб олиниши лозим бўлган акцияларини баҳолаш уларнинг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига [4]му-

вофиқ аниқланган жорий бозор баҳосидан паст бўлмаган нархда белгиланган тартибда акциядорлик жамиятлари томонидан амалга оширилади.

Жадвал

Корхоналарни қайта ташкил этишда қўлланиладиган мол-мулкни баҳолаш турлари

Активларнинг турлари	Баҳолашни қўллаш				
	Бозор баҳоси	Ҳақиқий қиймат	Қолдиқ қиймат	Номинал қиймат	Режали, меъёрий қиймат
Асосий воситалар	ҳа	ҳа	ҳа	йўқ	Йўқ
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	Йўқ
Номоддий активлар	ҳа	ҳа	ҳа	йўқ	Йўқ
Капитал қўйилмалар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	Йўқ
Узоқ муддатли инвестициялар	ҳа	ҳа	ҳа	ҳа	Йўқ
Материаллар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	Ҳа
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	Ҳа
Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	Ҳа
Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот	йўқ	ҳа	йўқ	йўқ	Ҳа
Тайёр маҳсулот	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	Ҳа
Товарлар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	Ҳа
Юклаб жўнатилган товарлар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	Ҳа
Нақд пул маблағлари	йўқ	йўқ	йўқ	ҳа	Йўқ
Пул ҳужжатлари	йўқ	ҳа	йўқ	ҳа	Йўқ
Банкдаги счётлардаги пул маблағлари	йўқ	ҳа	йўқ	йўқ	Йўқ
Йўлдаги ўтказмалар	йўқ	ҳа	йўқ	йўқ	Йўқ
Молиявий қўйилмалар	ҳа	ҳа	йўқ	ҳа	Йўқ
Келгуси даврлар харажатлари	йўқ	ҳа	йўқ	йўқ	Йўқ

Назарда тутилган барча таомиллар бажарилганидан кейин, белгиланган тартибда сотиб олинган, қайта ташкил этилаётган корхоналарга тегишли акциялар бекор қилинаётганида бухгалтерия ҳисобида устав капиталининг акциялар номинал қийматига камайиши акс эттирилади.

Агар акцияларни сотиб олишга амалдаги харажатлар миқдори акциялар номинал қийматидан катта бўлса, юзага келувчи фарқ қўшилган капиталнинг камайиши ҳисобига, қўшилган капитал миқдори етарли бўлмаган тақдирда эса, молиявий натижаларга (молия фаолияти бўйича харажатларга) қайта ташкил этилаётган корхона кўрган зарар сифатида киритилади.

Агар акцияларни сотиб олишга амалдаги харажатлар акциялар номинал қийматидан кам бўлса, юзага келувчи фарқ молиявий натижаларга (молия фаолияти бўйича харажатларга) қайта ташкил этилаётган корхона олган даромад сифатида киритилади.

Ўз фаолиятини тўхтатаётган қайта ташкил этилаётган корхона Реестрга тегишли ёзув киритилган санадан олдинги кунгача бўлган ҳолатга кўра якуний молиявий ҳисобот тузади.

Якуний молиявий ҳисобот “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари”га [5] мувофиқ, корхона илгари қабул қилган йиллик молиявий ҳисобот шакллари ҳажмида, ҳисобот йили бошланганидан то Реестрга янги вужудга келган корхоналар ҳақидаги (қўшиб олинган охирги корхона фаолиятини тўхтатиши ҳақидаги) ёзув киритилган вақтга қадар ўтган давр учун тузилади.

Қайта ташкил этилаётган корхоналар бухгалтерия ҳисоби счётлари бўйича маълумотларни эмас, балки ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот беришлари

лозим. Шу боис бухгалтерия ҳисобининг барча тартибга солувчи (контр-актив ва контр-пассив) ва баҳолаш счётлари ёпилган бўлиши керак. Якуний молиявий ҳисобот тузиш учун фақат мол-мулк ва мажбуриятларни ҳисобга олиш счётлари бўйича қолдиққа эга бўлиши лозим.

Агар қайта ташкил этиш натижасида янги тузилган корхона муайян объектга нисбатан ўз ҳуқуқларини тасдиқлаш ва амалга ошириш имкониятини йўқотган бўлса, мазкур мол-мулкни қайта ташкил этилган корхона зарарларга ҳисобдан чиқариши лозим.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига асосан қайта ташкил этилаётган корхонанинг активлари ва мажбуриятларини топшириш санаси билан вужудга келган корхоналар ҳақидаги (қўшиб олинган корхоналарнинг охиргиси ўз фаолиятини тўхтатганлиги ҳақидаги) ёзув Реестрга киритилган сана мос келмаганлиги туфайли мазкур саналар оралиғидаги даврда қайта ташкил этилаётган корхона томонидан белгиланган тартибда йиллик (ёки оралиқ) молиявий ҳисобот тузилади ва тақдим этилади.

Бунда оралиқ ва йиллик, кейинчалик эса якунловчи молиявий ҳисоботнинг миқдорий кўрсаткичлари топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси маълумотлари билан мос келмаслиги мумкин.

Оралиқ ва (ёки) йиллик молиявий ҳисоботга, якуний молиявий ҳисоботга тушунтириш ёзувида ёхуд топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига изоҳларда шу даврда топширилаётган активлар ва мажбуриятлар қийматида содир бўлган ўзгаришлар ёритилиши лозим.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган (фаолияти тугатилаётган) корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ҳужжатлар тақдим этилишидан бевосита олдин тузилган, шунингдек топширилаётган активлар баланс қиймати (амалдаги таннархи, дастлабки қиймати) бўйича, мажбуриятлар эса - қарз бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган сумма бўйича баҳоланган тақдирда, оралиқ ва (ёки) йиллик ҳамда якунловчи молиявий ҳисоботнинг миқдорий кўрсаткичлари топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси маълумотлари билан, башарти тегишли ҳужжатлар тақдим этилган сана ва рўйхатга олувчи орган Реестрга ёзув киритган сана оралиғидаги даврда активлар ва мажбуриятларда ўзгариш содир бўлмаган бўлса мос келиши мумкин.

Қайта ташкил этишда активлар ва мажбуриятларнинг топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси бўйича бир корхонадан бошқа корхонага ҳуқуқий ворислик тартибида топширилишига бухгалтерия ҳисоби мақсадларида активлар ва мажбуриятларнинг чиқиб кетиши сифатида қаралмайди.

Қайта ташкил этиш (вужудга келган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш, таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш, қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш, юридик хизматларга ҳақ тўлаш ва бошқалар) билан боғлиқ харажатлар қайта ташкил этишда қатнашаётган корхоналар томонидан тегишли даврнинг бошқа операцион харажатлари деб эътироф этилади ва ушбу харажатларни амалга оширган корхонанинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Мазкур харажатларни амалга оширган корхонанинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи (2-сон шакл)да юқорида зикр этилган бошқа операцион харажатлар, уларнинг аҳамиятлилигидан қатъи назар, “бошқа операцион харажатлар” сатрида ёритилади.

Қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг ҳисобот даврининг бошига (давлат рўйхатидан ўтказилган санага) қадар бўлган ҳолатга кўра дастлабки молиявий ҳисоботида активлар, мажбуриятлар ва бошқа миқдорий кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотлар белгиланган тартибда тасдиқланган топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига, шунингдек қайта ташкил этилган корхоналарнинг топширилаётган активлари ва мажбуриятлари таркибидаги ва қийматидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб тузилган якуний молиявий ҳисоботи маълумотларига асосан тўлдирилади.

Қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг жорий хўжалик операциялари бухгал-

терия ҳисобини юритишда ва қайта ташкил этишда қўлланувчи активларни баҳолаш усуллари ҳар хил бўлса, якуний молиявий ҳисобот кўрсаткичлари баҳосини топширилаётган активлар баҳоси билан мувофиқ ҳолатга келтириш лозим. Топширилаётган активлар қийматидаги барча тафовутлар қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг бошқа даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритиш счётларида акс эттирилиши лозим.

Мажбурият тугатилган, қарздор ва кредитор бир шахс бўлган тақдирда, яъни қўшиб юбориш (қўшиб олиш) шаклидаги қайта ташкил этишда қатнашаётган тарафлар ўртасида қўшиб юбориш (қўшиб олиш) шаклидаги қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхонанинг дастлабки бухгалтерия балансига қуйидагилар киритилмайди:

а) қайта ташкил этилаётган корхоналар ўртасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, шу жумладан дивидендлар бўйича ҳисоб-китобларни акс эттирувчи миқдорий кўрсаткичлар;

б) қайта ташкил этилаётган баъзи корхоналарнинг қайта ташкил этилаётган бошқа корхоналар устав капиталига жойлаштирган маблағлари;

в) қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг ўзаро ҳисоб-китобларини, шу жумладан ўзаро операциялар натижасида олинган даромад ва кўрилган зарарларни тавсифловчи бошқа активлар ва мажбуриятлар.

Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш, шунингдек қайта ташкил этиш (ўзгартириш шаклидаги қайта ташкил этишни истисно қилганда) натижасида вужудга келган корхонанинг облигациялари ва векселлари бўйича чегирмалар ёки мукофотлар, дисконтлар (скидкалар) бўйича муддати кечиктирилган даромадлар ва харажатлар амортизацияси корхона давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб, қайта ташкил этиш (ўзгартириш шаклидаги қайта ташкил этишни истисно қилганда) натижасида вужудга келган корхона Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси [6], Ўзбекистон Республикаси 5-сон БҲМС “Асосий воситалар” [7] ва 7-сон БҲМС “Номоддий активлар” га [8]мувофиқ белгилаган объектдан унумли фойдаланиш муддатидан ва амортизацияни ҳисоблаш усулидан келиб чиқиб, аввалги ҳуқуқий ворис томонидан илгари қўлланган амортизацияни ҳисоблаш усулидан қатъи назар, топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига асосан объектни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш вақтида амалга оширилади.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, юқоридаги қискача тавсифлардан қуйидаги хулосаларни қилиш ва таклифларни бериш мумкин:

1.Корхоналарни қайта ташкил қилиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш мураккаб жараён ҳисобланади. Ушбу шароитда, бир томондан, тугатилаётган корхоналарда, иккинчи томондан эса, янги ташкил қилинаётган корхонада кўплаб жараёнларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш лозим ҳисобланади. Чунончи, барча тугатилаётган корхоналарда тугатиш жараёнлари ҳисобда акс эттирилиши, тугатиш ва тақсимлаш баланслари тузилиши лозим. Қайта ташкил этишда вужудга келган янги корхоналарда уларнинг давлат рўйхатидан ўтган кунига таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси) ҳамда қўшиб обориш тўғрисидаги қарорлар ва шартномалар асосида дастлабки таъсис баланси тузилиши, шунингдек, ушбу баланс моддаларини ташкил қилувчи барча узоқ ва қисқа муддатли активлар, устав капитали, маблағларни ташкил топтириш ўз манбаларининг бошқа турлари (қўшилган ва заҳира капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқалар), узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларни тан олиш, баҳолаш, кирим қилиш ва ҳисобга олиш ишларини белгиланган тартиб-қоидалар асосида бажариш керак бўлиб ҳисобланади. Қўшиб олувчи корхонада тугатилаётган корхоналарни ихтиёрий равишда ёки харид усулларида қўшиб олиш жараёнларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш зарурати пайдо бўлади.

2.”Қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида молиявий ҳисоботни шакллантириш номли 23-сон БҲМС мазкур муҳим жа-

раённи ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг умумий тартибларини берсада, бироқ уларни амалиётда амалга ошириш механизмларини тўлиғича акс эттирмайди, бу амалиётда қайта ташкил этиш жараёнлари иштирокчиларида бир хил номдаги ва мақсаддаги бошланғич ҳужжатларни, ҳисоб-китобларни турлича тузилишига, бинобарин уларни сифатсиз расмийлаштирилишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, қайта ташкил этиш жараёнларини тегишли счётларда акс эттириш ҳам мазкур стандартда аниқ кўрсатилмаган, Бу ҳам амалиётда бир хид мазмунли хўжалик операцияларини турли счётларда ҳар хил ёзувлар берилишига олиб келмоқда. Фикримизча, 23-сон БҲМСда белгиланган тартибларни амалиётга жорий этишда яхлитликни таъминлаш учун ушбу жараёнларда тузиладиган ҳужжатлар тизимини, уларнинг намунавий шаклларини, бериладиган бухгалтерия ёзувларини мазкур стандартга шархларда аниқ ифодалаш фойдадан холи бўлмайди.

REFERENCES

Қарор, қонун, кодекс, низом, стандарт

1. “Moliyaviy ҳisobotning xalqaro standartlariga o’tish bo’yicha qo’shimcha chora-tadbirlar to’g’risida(On Additional Measures to Transfer to International Financial Reporting Standards)”. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevraldagi PQ-4611-son qarori.
2. 23-son BҲMS “Qayta tashkil etishni amalga oshirishda moliyaviy hisobotni shakllantirish”. O’zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 27.06.2005 y. 1484-son bilan ro’yxatga olingan(IFRS 23 “Formation of financial statements in the implementation of reorganization”. Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan 27.06.2005 Registered under No. 1484);
3. O’zbekiston Respublikasi қonuni “Buxgalteriya ҳisobi to’ғrisida” (Yangi tahriri), 13.04.2016 yil, O’RQ-404-son(Law of the Republic of Uzbekistan “On Accounting” (New edition), 13.04.2016, No. ZRU-404);
4. 19-son BHMS “Inventarizastiyani tashkil etish va o’tkazish”. O’zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 02.11.1999 y. 833-son bilan ro’yxatga olingan(IFRS 19 “Organizing and Conducting Inventories”. Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan 02.11.1999 Registered under No. 833);
5. O’zbekiston Respublikasi qonuni «Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to’grisida” (Yangi tahriri), 26.04.1996 y. 223-I-son(Law of the Republic of Uzbekistan “On Joint Stock Companies and Protection of Shareholders’ Rights” (new edition), April 26, 1996 223-I-son);
6. “Moliyaviy hisobot shakllari va ularni to’ldirish qoidalari”. O’zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining 2002 yil 27 dekabrdagi 140-son buyruғi bilan tasdiqlangan(“Financial reporting forms and rules for their completion”. Approved by the Order of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan dated December 27, 2002 No. 140).
7. O’zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi. O’zR 30.12.2019 y. O’RQ-599-son Qonuni bilan tasdiqlangan(Tax Code of the Republic of Uzbekistan. UzR 30.12.2019 Approved by Law No. ZRU-599).
8. 5-son BHMS “Asosiy vositalar” O’zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 20.01.2004 y. 1299-son bilan ro’yxatga olingan(IFRS 5 “Fixed Assets” issued by the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on 20.01.2004. Registered under No. 1299).
9. 7-son BHMS “Nomoddiy aktivlar” O’zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 27.06.2005 y. 1485-son bilan ro’yxatga olingan(IFRS 7 Intangible Assets issued by the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on 27.06.2005. Registered under No. 1485).

10. O’zbekiston Respublikasi қonuni “Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to’grisida” (Yangi tahriri), 26.04.1996 y. 223-I-son(. Law of the Republic of Uzbekistan “On Joint Stock Companies and Protection of Shareholders’ Rights” (new edition), April 26, 1996 223-I-son);

11. O’zbekiston Respublikasi qonuni “Mas’uliyati cheklangan hamda qo’shimcha mas’uliyatli jamiyatlar to’g’risida”, 06.12.2001 y. 310-II-son(Law of the Republic of Uzbekistan “On Limited Liability and Additional Liability Companies”, 06.12.2001. 310-II-son);

12. O’zbekiston Respublikasi қonuni “Xususiy korxona to’g’risida”, 11.12.2003 y. 558-II-son(Law of the Republic of Uzbekistan “On Private Enterprise”, 11.12.2003 558-II-son);

13. O’zbekiston Respublikasi қonuni “Oilaviy tadbirkorlik to’g’risida”, 26.04.2012 y. O’RQ-327-son(Law of the Republic of Uzbekistan “On Family Business”, April 26, 2012. No. ORQ-327(Law of the Republic of Uzbekistan “On Family Business”, April 26, 2012. No. ORQ-327);

14. O’zbekiston Respublikasi qonuni “Xo’jalik shirkatlari to’g’risida”,06.12.2001 y. 308-II-son(Law of the Republic of Uzbekistan “On Economic Companies”, December 6, 2001 308-II-son);

15. Davlat korxonalari to’g’risida Nizom (O’zR VM 16.10.2006 y. 215-son qarori bilan tasdiqlangan)(Regulations on state enterprises (approved by the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated 16.10.2006 No. 215);

16. O’zbekiston Respublikasining fuqarolik kodeksi, 21.12.1995(Civil Code of the Republic of Uzbekistan, 21.12.1995).

17. 3-son MҲXS (IFRS) “Biznes birlashuvlari”(IFRS 3 “Business Associations”);

18. 10-son MҲXS «Konsolidastiyalangan moliyaviy ҳisobot”(IFRS 10 “Consolidated Financial Statements”);

19. 23-son BҲMS “Qayta tashkil etishni amalga oshirishda moliyaviy hisobotni shakllantirish”(IFRS 23 “Formation of financial statements in the implementation of reorganization”);

20. 8-son BҲMS “Konsolidasiyalangan moliyaviy hisobotlar va sho’ba xo’jalik jamiyatlariga investitiyalar»(IFRS 8. Consolidated Financial Statements and Investments in Subsidiaries).

Интернет манбалар

21. O’zdavstat veb sayt materiallari(Uzdavstat website materials).

22. https://uz.sputniknews.ru/20210529/chislo-gospredpriyatiy-v-uzbekistane-sokratyat-na-75-k-2025-godu-18977013.html(https://uz.sputniknews.ru/20210529/chislo-gospredpriyatiy-v-uzbekistane-sokratyat-na-75-k-2025-godu-18977013.html)

Адабиёт, монография, тўпламлар

23. Plotnikov V.S., Plotnikova O, V. Ob’edinenie biznesa i konsolidirovannaya finansovaya otchetnost(Consolidation of business and consolidated financial reporting), Uchebnoe posobie, -M.: Izdatelstvo: INFRA-M, 2018 g.

24. S.N.Tashnazarov Moliyaviy hisobotning nazariy va metodologik asoslarini takomillashtirish(Improving the theoretical and methodological basis of financial reporting). Monografiya. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1, 87-107- betlar

25. Tashnazarov S.N. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari(International Financial Reporting Standards). Darslik – T. “Iqtisod-Moliya”, 2019.

26. Urazov K.B. Buxgalteriya moliyaviy ҳisobi(Accounting financial accounting). O’quv qo’llanma. – Samarqand, SamISI, 2013. - 226 bet.

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ

НАУКА И ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ

SCIENCE AND INNOVATIVE DEVELOPMENT

4 / 2021

Босишга рухсат этилди 2021 йил 2 июль.
Бичими 60 x 84 $^{1}/_{8}$. Шартли босма табоғи 14.1. Адади 500 нусха.
“Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”
давлат унитар корхонасида офсет қоғозда чоп этилди.

Таҳририят манзили:
Таҳририят манзили:
100174, Тошкент ш., Университет кўчаси, 7-уй.
Телефонлар: (99899) 373-90-35, (99899) 920-90-35;
Веб-сайт: www.indep.uz; e-mail: ilm.fan@inbox.ru.
Обуна индекси – 1318.
ISSN 2181-9637.